

2018 ЙИЛДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА КУТУБХОНА ФАОЛИЯТИ



Кутубхоналар халқнинг миллий камолоти учун хизмат қилаётган миллий маданиятнинг бир қисмидир. Ҳозирги кунда Қашқадарё вилояти бўйича ахборот ресурс марказида жами 919 нафар ходим янгича замонавий нормативи ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият юритмоқдалар улардан 136 нафари олий маълумотли кадрларни ташкил этади.

Қашқадарё вилояти бўйича ахборот ресурс маркази фонди жами 4714024 нусха бўлиб, улардан 3657657 таси ўзбек тилида, 795830 таси рус тилида ва 260537 таси бошқа тиллардаги китоблардан иборат. Китоб фонди ўқувчилар ва аҳолининг китобхонлик сўровларига кўра ҳар йили бюджет маблағлари ҳисобидан янги адабиётлар билан тўлдирилмоқда.

2019 йил 1 январ ҳолатида Қашқадарё вилоятидаги АРМ ларда китоб ва журналлар ҳамда фойдаланувчилар тўғрисида.

	АРМ лар сони	Китоб ва журналлар сони, нусха	Фойдаланувчилар сони, киши
Вилоят бўйича жами:	268	4714024	374381
<i>шаҳарлар:</i>			
Қарши	35	1585213	125592
Шахрисабз	15	303069	23753
<i>туманлар :</i>			
Ўзур	16	182879	26597
Дехқонобод	14	122073	9925
Қамаши	22	229104	20991
Қарши	14	161150	16836
Косон	21	293626	20771
Китоб	22	303286	18869
Миришкор	11	143887	12117
Муборак	9	131725	12105
Нишон	12	182709	13107
Касби	15	258394	23034
Чироқчи	29	396566	21651
Шахрисабз	12	130327	12894
Яккабоғ	21	290016	16139

Қашқадарё вилояти ахборот ресурс марказида 8 та бўлим фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда

1. Мактаб ёшигача ва бошланғич синф фойдаланувчилари
2. Катта ёшдаги фойдаланувчилар
3. Янги ахборот технологиялари ва интернет бўлими
4. Китобларни сақлаш ва электрон каталогларни чоп этиш
5. Ахборот библиография ва ўлкашунослик бўлими
6. Комплектлаштириш ва электронлаштириш
7. Каталоглаштириш ва адабиётларга қайта ишлов бериш
8. Илмий услубиёт бўлими

Қашқадарё вилоятида 268 та ахборот ресурс марказлари мавжуд бўлиб, улардан халқ таълими тизимида 105 та кутубхона, ўрта махсус таълим тизимида 143 та, олий таълим тизимида 3 та, ҳудудлардаги АРМлар 15 та, кўзи ожизлар учун 1 та АРМ, бошқа ташкилотлар таркибида 1 та АРМ мавжуд.

